Qo`ng`irotlar sulolasi tarixini o`rganayotgan yosh olima jamiyat rivojlanishida ayollarning o`rni haqida

Қўнғиротлар сулоласи тарихини ўрганаётган ёш олима жамият ривожланишида аёлларнинг ўрни ҳақида

Ҳилола Назирова Шарқшунослик институтини тамомлаб, Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институтида илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. Ҳилола Назирова билан олималик ҳаёти, шунингдек, жамиятда аёлларнинг ўрни ҳақида суҳбат уюштирдик.

Менга айнан XIX аср Хоразм Қўнғиротлар сулоласи тарихига оид бўлган "Зубдат ут-таворих" асари жуда ёқди. Ушбу манба мени қўлёзмалар оламига ошуфта қилган ва уни тадқиқ қилиш бахтига муяссар бўлганман. Нима учун бахтига деяпман, чунки, манбаашунослик нуқтаи назаридан қараганда, бу асарнинг 6 та қўлёзмаси мавжуд.

– Охирги пайтларда аёллар орасидан, масалан, ҳокимиятлардаги масъул лавозимларга тайинланаётганини матбуотда ўқиб қоляпмиз. Нима деб ўйлайсиз, эркак раҳбарлар ўрнига аёл раҳбар тайинланиши ишда осғлом муҳит ярата оладими?

– Ривожланган мамлакатларда раҳбарликка аёллар ҳам лойиқ экани, яқин ўтган 50 йиллар ичида ўз исботини топди. Фақат тараққий топган ва ривожланган мамлакатларда шундай. Ўтган асрнинг охирларида Буюк Британияда Тетчер хоним ҳукумат бошлиғи ҳам бўлган. У тарихда "Темир хотин" деган ном билан қолди. Эътибор берилса, фақат ривожланган давлатларда аёллар юқори раҳбар лавозимларида ишлашмоқда ва буни бемалол уддалашмоқда. Демак аёллар ҳам тўлақонли ишлашга лаёқатлари бор эканини исбот қилиб беришмоқда. Масалан, Германияда ўн йилдан ошиб вақт аёл киши-Ангела Меркель ҳукуматни муваффақиятли бошқариб келмоқда. Демак, аёллар ҳам давлат қурилишида эркаклар билан тенг ишласа, ривожланиш даражаси юқори бўлар экан. Аммо, эътибор беринг, ривожланмаган мамлакатларда аёллар давлат бошқарувида ишламайди, ҳатто яқинроқ ҳам йўлатилмайди, демак, ривожланишда нимадир хатолик борки ривожланмайди. Балки биз айтган ўша энергиянинг етишмовчилигидир.

Аёлларда эркакларда йўқ хислат, сифатлар бор. Бу сифатлар иш жойида позитив роль ўйнайди. Ишхонада ўзаро толерантлик, илиқлик кайфиятини олиб келади. Асабийлик каби ишга халақит берадиган иллатлар йўқолади.

– Сиз Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Ёш олимлар кенгашини ҳам бошқарасиз. Жамоа ишлари илм йўлида халақит қилмайдими?

– Ҳа, Шарқшунослик институтининг ёш олимлар кенгашини 2017 йил сентябрь ойидан бери бошқариб келаман. Фанлар академияси тизимида 35 та институт бор, шу институтларнинг бошқарув аппаратини бошқаришга лаёқатли бўлган кадрларни аниқлаб олиш учун ёш олимлар кенгаши фаолият юритади.

Илмий изланишга жамоат иши халақит қилмайди. Мисол учун, бизда ёш олимлар кенгаши бир ойда бир марта йиғилади. Ва асосан, йилда икки марта бўладиган конференция масалалари ҳал қилинади, кимда қандай муаммо борлиги кўриб чиқилади. Бу бошқарув тизими Ёш олимлар кенгаши фаолиятини янада эффектив, яъни самарали йўналтирилган ҳолда бошқаришга ёрдам беради.

Шу билан бирга Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вазирлик, идора ва ташкилотлар Республика Етакчилар кенгаши таркибида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Етакчилар кенгаши етакчиси ҳам ҳисобланаман. Асосий ишим билан ташкилотчилик ишларини баробар олиб боришга ҳаракат қиламан. Ҳаммасига улгуришга ҳаракат қиламан. Жамоа ишлари ва илмий ишни уйғун ҳолатда олиб боришга ҳаракат қиламан.

– Олим-тадқиқотчилар илмий изланишлари учун чет эл грантларини ҳам ютишади. Сиз ҳам шундай грант олганмисиз?

– Албатта, олим-тадқиқотчилар илмий изланишлари учун чет эл грантларини олишлари шарт деб биламан. Чунки бу ерда биринчи навбатда, чет элдаги ҳамкор ташкилот билан алоқа йўлга қўйилади, яъни коммуникация пайдо бўлади.

Илм-фан бу – бирор саволга жавоб топиш эмас, янги саволни келтириб чиқариш деб ўргатишган. Агар сиз бирор-бир савол ё масалани ўртага қўйганингиздан кейин у саволга жавоб топишга, муаммо ёки масалани ҳал қилишга ҳаракат қиласиз. Жавоб топишингиз жараёнида, чет элда шу муаммога дуч келаётган олимларнинг фикри сизга қизиқ, улар билан ҳамкорлик қилишга интиласиз. Шунда бирор-бир грант излашга мажбурсиз ва шу грант доирасида илмий иш олиб борасиз.

Шу жумладан, мен ҳам чет эл грантларини ютганман. Бундай грантларим ўндан ортиқ. Илк ютган грантимни Ўрта Осиёни тадқиқ қилиш Француз институти (IFEAC) томонидан олган эдим. Ўша пайт аспирантурани биринчи курсида ўқирдим. Умуман, олимларга грантларни ютиш бу – ўзига бўлган ишончини ортишига ёрдам беради ҳамда чет элдаги ҳамкорларингиз, ҳамкор ташкилотлар томонидан юқори баҳоланади ва яна грант ютишингизга йўл очиб беради. Германия, Франция, Россия, АҚШ, Англия, Туркия, Қозоғистон, Эрон давлатларининг илмий стажировка, халқаро конференцияларида қатнашиш учун бир қанча грантлар соҳибасиман.

– Хоразм тарихи ҳақида илмий тадқиқот қилаётган экансиз. Шу ҳақда гапириб беросангиз.

– 2008-2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига тарихий манбашунослик бўйича аспирантурага ўқишга киргандим. Ўша йили аввалида уч ойгача мавзу танлай олмадим. Чунки Бухоро амирлигига оид хронологик битта манбани ёки Сирдарё тарихига оид "Тарихи Азизий" манбасини ва учинчи вариант сифатида Муҳаммадризо Огаҳийнинг тарихий асарларидан бири "Зубдат ут-таворих", яъни "Тарихларнинг қаймоғи" асарларидан бирини танлашим мумкин эди. Ўша пайтда илмий раҳбарим тарих фанлари номзоди Нуриёд Тошов эди. "Илмга кириб келганингиздан кейин бирор мавзуга ўзингиз қизиқмасангиз, сиз у мавзуни ташлаб кетасиз. Шунинг учун, ўзингиз танланг", – дегандилар. Мен учала манба билан ҳам танишиб чиқдим. Менга айнан XIX аср Хоразм Қўнғиротлар сулоласи тарихига оид бўлган "Зубдат ут-таворих" асари жуда ёқди. Ушбу манба мени қўлёзмалар оламига ошуфта қилган ва уни тадқиқ қилиш бахтига муяссар бўлганман. Нима учун бахтига деяпман, чунки манбаашунослик нуқтаи назаридан қараганда, бу асарнинг 6 та қўлёзмаси мавжуд. Матншунос олим, яъни текстолог бирор-бир манбани тадқиқ қилаётган пайтда шу манбанинг барча қўлёзмалари билан танишиб чиқиши керак эди. Шуни амалга ошириш учун Германиянинг Герда Ҳенкел фондидан 6 ойлик грант ютиб, Россия Шарқ қўлёзмалари институти, Россия миллий кутубхонасида бевосита оригинал матн билан ишлашга муваффақ бўлганман. Бу манбанинг 6 та қўлёзмасидан 2 таси Россияда, 3 таси Ўзбекистонда, 1 таси Туркияда сақланади. Шу грант доирасида илмий ишим, яъни шу манбани илмий-танқидий матнини нашр қилишга эришдим. Бу манба китоб ҳолида нашр бўлиши учун 2016 йил Ўзбекистондаги МИЦАИ (ICAS), яъни Марказий Осиёни илмий тадқиқ қилиш халқаро институти томонидан молиялаштирилган.

Айтиб ўтишим керакки, ушбу манба халқаро талабларга мос ҳолда яъни кириш қисми рус ва инглиз тилида берилди. Шахс, этник, географик, ҳадисларнинг кўроатқичлари тузилди: Шунингдек, бу нашр Истанбулдаги "Megabasim" нашриёти томонидан чоп этилди. Шу манбани тадқиқ қилиб, илм аҳлига тақдим қилишим учун оаккиз йил умрим кетди. Мен бундан афсуода эмасман балки, ҳар бир ишни жиддий ёндашиб, ҳар битта манбанинг барча қўлёзмасини тадқиқ қилган ҳолда ушбу ишни нашр қилганимдан хурсандман. Бир тарихий манбани илмий муомалага киритиш манбашунос олимнинг професионал орзуларидан бири ҳисобланади.

– Докторлик ёқладингизми?

– Ҳозирги пайтда эса PhD тарих фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори унвонини олиш учун "Қўнғиротлар сулоласи тарихнавислигида Муҳаммадризо Огаҳийнинг "Зубдат ут-таворих асарининг ўрни" мавзусида диссертациямни ёзмоқдаман.

Шаҳло АБДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

Gazetani yuklab olish (.pdf 3.35 mb)